



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2024 йил 16 январь, № 11 (8634)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТАДБИРКОРЛАРНИНГ БАРҚАРОРЛИК РЕЙТИНГИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 15 январь кун
тадбиркорларнинг барқарорлик рейтингини
жорий қилиш бўйича тақдимот билан танишди.

Тадбиркорлиқни ривожлантириш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши. Бизнес учун шароитлар изчил яхшиланиб бормоқда. Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йи-лида тадбиркорларга янада қўлай-ликлар яратилади. Бу 5 миллион аҳоли бандлигини таъминлашда жуда муҳим ўрин тутadi. Ушбу мақсадлар учун 83 триллион сўм ва 275 миллион доллар кредит ҳамда субсидиялар йўналтирилиши кўзда тутилган.

Рейтинг жорий этилиши тадбиркорлар фаолияти учун ўзига хос рағбат бўлади. Бунинг аҳамияти ҳақида давлат раҳбарининг тадбиркорлар билан очик мулоқотида айтилган эди. Шундан сўнг мазкур рейтингнинг мезонлари ва тартиб-тамойиллари ишлаб чиқилди.

Унга кўра тадбиркорлар фаолият даври, рентабеллик даражаси, тўлов интизомии, аҳоли бандлигидаги ўрни ва иш ҳақи каби 23 та мезон асосида 4 та тоифага ажратилади. Бу солиқ, адлия ва суд органлари маълумотлари асосида шаклланади. Ҳар бир тадбиркор ўз ўрни ва баҳосини реал вақтда билиб бориши мумкин бўлади.

Рейтинг юқори тадбиркорлар учун барча солиқ текширувлари бекор бўлади, қўшилган қиймат

солиғи суммаси бир кунда ва бошқа солиқ турлари бўйича ор-тиқча тўлов уч кунда қайтариб берилади. Товарларни импорт қилишда ва сотишда қўшилган қиймат солиғини божхона ва солиқ органларида ўзаро ҳисоб-га олиш имконияти яратилади. Аукционда олинган давлат актив-лари ва ер участкалари қийма-тини бўлиб тўлаш муддати 3 йил-дан 5 йилгача узайтирилади. Бунда камида 15 фоиз миқдо-рида дастлабки тўловни бирийўла амалга оширганда, қол-ган суммага йиллик фоизлар ҳисобланмайди.

Бундай рейтинг шунинг учун ҳам муҳимки, энди тадбиркорлар фаолиятига солиқчилар эмас, электрон тизим баҳо беради. Келгусида субсидия, имтиёз ва преференциялар рейтингдан ке-либ чиқиш берилади. Кўрсаткич паст бўлганлар интизомли тад-биркорлар сафига кириш ва кўпроқ имкониятга эга бўлиш учун ҳаракат қилади.

Яна бир томонид, бу рейтинг тадбиркорларга ўз ҳамкорлари тўғрисида ишончли маълумот бе-рувчи ҳимоя тизимига айланади. Яъни шубҳали шартномалар ва инсофсиз рақобатга чек қўйилиб, “яширин иқтисодийёт” қисқаради.

Давлатимиз раҳбари бу ти-зимни пухта ишлаб чиқиш, адо-

латли ва самарали йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

— Тадбиркорларнинг таклиф-лари асосида бизнес учун ша-роитларни тобора яхшилаб бо-ряпмиз. Яқинда қабул қилинган қарорлар билан 16 та лицензия ва 34 турдаги ҳисоботни бекор қилдик. Тадбиркорлар синфи жа-миятда етакчи қучга айланмоқ-да, ёшлар уларга қараб интил-моқда. Энди ушбу рейтинг орқа-ли тадбиркорлар ўртасида қонун-ларга итоат қилиш, интизомли ва ҳаракатчан бўлишни рағбат-лантириш зарур. Бунинг жорий қилиш ва самарадорлигини таъ-минлашда Тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат кенга-шининг ўрни катта бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тақдимотда “Тадбиркорлар-нинг барқарорлик рейтингини” плат-формаси 1 мартга қадар ишга ту-ширилиши белгилаб олинди. Сав-до-саноат палатаси томонидан жойларда учрашувлар ўтказилиб, рейтинг имкониятларини тушунти-риш ишлари олиб борилади. Суб-сидия, имтиёз ва преференция-лар ҳақатишининг шаффоф тизи-ми йўлга қўйилади.

Рейтинг паст тадбиркорлар билан манзилли ишлаб, фаоли-ятини жонлантириш ва тиклашга ёрдам бериш муҳимлиги қайд этилди.



Халқимизнинг букилмас иродаси, маънавий-руҳий қудрати, ватанпарварлиги ҳамма замонларда муваффақиятларимиз, юрт тинчлиги ва тараққиётининг энг муҳим қафолати бўлган. Шу боис аждодларимиз фарзандларини гўдакчилигидаёқ оқ ва қорани ажратишга, ҳаётга, дунёга теран назар ташлашга ўргатган, уларнинг қалб кўзини очишга интилган. Ҳар қандай қийин шароитда ҳам юксак мантик асосида иш юритишга, тадбирли ва шижоатли бўлишга, ҳамжихатлик, жасорат ва матонат намуналарини кўрсатишга ундаган.

Ота-боболаримиздан қолган “Билаги зўр бирни енгар, билими зўр — мингги”, “Бир-лашган ўзар — бирлашмаган тўзар” каби халқ мақоллари тилдан-тилга, дилдан-дилга ўтиб асрлар оша яшаб келаётганининг боиси ҳам шунда.



ЮРТИН АРДОҚЛАГАН ҲАР ЗОТКИ БУЮК

ёш авлод онгу қалбига янада чуқур сингди-ришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёев Хавфсизлик кенгашининг ўтган ҳафтада бўлган кенгайтирилган йи-гилишида ҳам Қуролли Кучлар ва ҳарбий-маъмурий секторларнинг 2023 йилдаги фаолияти яқунларини муҳокама қилиш ҳамда яқин истиқболга мўлжалланган ва-зифаларни белгилаб бериш асосида айна шу масалага яна бир бор урғу берди.



ЮТУҚЛАРИМИЗ САЛМОҚЛИ БЎЛДИ, ВАЗИФАЛАРИМИЗ ЯНАДА ЗАЛВАРЛИ

Охириги йилларда мамлакатимиз турли жабҳаларида бўлаёт-ган янгиланиш ва ўзгаришларни нафақат юртдошларимиз, балки хорижийлар ҳам бот-бот эътироф этиб келмоқда.

Сарҳисоб

Бунга яққол мисол сифати-да Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, дав-лат органларининг ҳисобдор-лиги ва очиқлигини кучайти-риш ҳамда фуқаролик жамия-ти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашма-ларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли иш-лар олиб борилаётгани ва бу борада эришилаётган нати-

жаларни келтириш мумкин. Қайд этиш жоизки, янги таҳ-рирдаги Конституциянинг қабул қилиниши натижасида юрти-мизда ислохотларнинг янги босқичи бошлаб юборилди.

Хусусан, Президентимиз 2023 йил 11 сентябрда имзо-лаган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони ислохотлар кўламини кенгайтириш бораборида янги-дан-янги ташаббусларга туртки берди, десак, айна ҳақиқат.



ШАРАФЛИ ВА МУҚАДДАС БУРЧ

Бу йил мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 32 йиллиги кенг нишонланди. Ўтган қисқа давр тарих олдиде катта рақам эмас, лекин шу вақт ичида ҳарбий соҳада олиб боришган тизимли ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг ҳарбий салоҳияти янада юксалди.

Муносабат

Президентимиз ташаббуси би-лан Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш ва ҳар томонлама модерни-зациялаш, уларни замонавий талаб-ларга тўлиқ жавоб берадиган, янги Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва су-веренитети, халқимиз хавфсизлиги ва фаровонлигини қафоллати таъ-минлашга қодир янги армияга ай-лантириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўришмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ

Қадри отахон ва онахонлар!
Мухтарам опа-сингиллар!
Азиз ёшлар!

Хурматли юртдошлар!
Барчамизга яхши маълумки, кейинги йилларда мухтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 8 январь — Ўзбе-кистон Республикаси прокуратура органла-ри ходимлари кунин муносабати билан йўлла-ган табригиде соҳа ходимлари ва фахрийлари-нинг шу йўлдаги хизматлари муносиб баҳола-ниб, олдимизда турган муҳим масалалар аниқ кўрсатиб берилди. Ҳеч шубҳасиз, биз булар-нинг барчасини прокуратура органлари фаоли-ятига берилаётган юксак эътиборнинг ана бир амалий ифодаси сифатида қабул қиламиз ва ана шу ишончини оқлаш учун бундан буён ҳам бор куч-ғайратимиз, билим ва тажрибамизни сафарбар этамиз.

Азиз ватандошлар!

Ҳозирги вақтда Президентимиз томонидан қонунлар қозғода эмас, амалда қатъий бажа-рилиши, ислохотлар ҳар бир хонадон, ҳар бир маҳаллага кириб бориши, юртдошларимиз улар-нинг амалий самарасини кундалик ҳаётда до-имо ҳис қилиши зарурлигига муҳим эътибор қаратилмоқда.

Албатта, ана шундай натижаларга эришиш-да прокуратура органлари ходимлари алоҳида жонбозлик кўрсатиб, барча соҳа ва тармоқлар-да қонунийликни таъминлашда ўрнат ва наму-на бўлишлари жуда муҳимдир.

Биз бунинг чуқур англаган ҳолда ўз ишимизни янгича асосда ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирларни аниқ белгилаб олдик.

Аввало, халқимизга янада яқин бўлиб мам-

лакатимизда қонун ва адолат устуворлигини, тинчлик ва оқсоқилликни мустаҳкамлаш фао-лиятимизнинг асосий мезони бўлади.

Айниқса, жойларда аҳолини қийнаётган му-аммоларни аниқлаш ва уларни тезкорлик бил-лан бартараф этиш, муҳтож оидаларни қўллаб-қувватлаш, уларни камбағалликдан қичариш бўйича белгиланган вазифалар ижроси проку-ратура органларининг доимий эътиборида бўлиб қолади.

Маҳаллалар даражасига тушиб юзага ке-лаётган муаммоларни маҳалла аҳли билан ба-маслаҳат ва биргаликда ҳал қиламиз.

Айниқса, барчамизнинг кундалик ҳаётимиз-да муҳим ўрин тутадиган таълим, тиббиёт ва коммунал хизмат соҳаларидаги ўз ечимини топмаган масалаларнинг сабабларини аниқлаб, уларни алоҳида ёндашув асосида ҳал этиш бўйича қатъий назорат ўрнатилади.

Аҳоли бандлиги, янги иш ўринларини яратишга қаратилган дастурлар ижросини таъ-минлаш, экологик муҳитни, табиий бойликлар ва маданий меросимизни асраб-авайлаш бо-расидаги ишларимиз жадал давом эттирилади. Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йи-лида жисмоний ва маънавий етук ёш авлодини тарбиялаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, навқирон ўғил-қизларимиз илгари сураётган ташаббусларни рўёбга чиқариш-га алоҳида эътибор қаратамиз.

Аҳоли, айниқса, ёшларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, янгиланган Конституциямиз ва қонунларимизга ҳурмат ва эътибор туйғусини янада кучайтириш, ҳар бир юртдошимизнинг уларга қатъий амал қилиб яшашини таъминлаш бўйича тарғибот ва таш-виқот ишларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқамиз.

Мамлакатимизда қулай бизнес муҳитини яратиш, тадбиркорларга ҳар томонлама кўмак

бериш, уларнинг фаолиятига ноқонуний арала-шувлар ва бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ишларни янада кучайтирамиз.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривож-лантиришга доир дастурлар ижроси алоҳида назоратга олиниб, бюджет маблағаларининг мақ-садли сарфланишини таъминлаш, талон-торож қилинишининг олдини олиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади.

Тегишли вазирлик ва идоралар, кенг жамо-атчилик билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка қарши курашишга янада кат-та аҳамият берамиз. Бунда асосий эътиборни жиноятнинг оқибатига қарши курашишга эмас, аввало, уни келтириб чиқараётган омиллар ва сабабларга барҳам беришга қаратамиз.

Албатта, ҳаётимизда коррупция ҳолатлари борлиги барчамизни қаттиқ ташвишга со-лади. Жамиятимизда бу иллатга қарши му-росасизлик муҳитини шакллантириш ва қатъий кураш олиб бориш келгусида ҳам прокуратура органларининг биринчи навбатдаги иши бўлиб қолади.

Бу борада давлат идораларида коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун вазирлик ва идораларнинг ички назорат тизимлари иши янада кучайтирилади, соҳа ва тармоқлар фао-лиятини рақамлаштиришга доир вазифалар иж-роси қатъий назоратга олинади.

Энг муҳими, бу йўналишдаги ҳар бир хабар ва маълумотлар тезкорлик билан ўрганилиб, кескин чоралар кўриб борилади.

Коррупция билан боғлиқ ҳар бир жиноятни ўз вақтида аниқлашда биз маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар ва нурунийлар ташкилотлари фаола-рига, турли меҳнат жамоаларидаги жонқур ва ватанпарвар инсонларга, уларнинг амалий ёрдами ва ҳамкорлигига таянамиз.

Биз ҳаётимизни жиноятчилик ва коррупция-

дан холи қилишда катта билим ва тажрибага эга бўлган прокуратура фахрийларининг сало-ҳиятидан ҳам кенг фойдаланамиз.

Бу борада нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва блогерлар билан яқин ҳамкорлиқни кучайтирамиз.

Биз мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар талабидан келиб чиққан ҳолда барча даражадаги прокуратура органла-ри фаолиятини танқидий-таҳлилий баҳолаб, аниқланган муаммоларни тезкор ҳал этиб бо-ришни тизимли асосда йўлга қўямиз.

Бу жараёнда сафларимизда фақат ва фақат ҳалол ва пок, жонахон Ўзбекистонимизга са-доқатли ва фидойи ходимлар ишлашига би-ринчи даражали эътибор қаратамиз.

“Янги Ўзбекистон прокуратураси ходими” деган юксак макомга доғ туширадиган нопок, зиммасидаги вазифа ва ваколатларни су-пиестеомол қиладиган, фуқаролар билан беи-санг ва қўпол муомалада бўладиган, бефарқ ва лоқайд кимсалар ораимизда бўлмаслиги учун энг кескин чораларни кўрамиз.

Прокуратура органларига мамлакатимизда-ги тарихий ўзгаришларни чуқур англайдиган, замонавий фикрлайдиган, билимли, ватанпар-вар ва изланувчан ёш кадрларни хизматга олиш, барча мутахассис ва ходимларимизни чинакам қонун ва Ватан ҳимоячиси этиб тарбиялашга устувор аҳамият берамиз.

Олдимизда турган вазифалар ижроси прокуратура органлари фаолиятини рақамлашти-риш, ушбу тизимга замонавий илм-фан ва ама-лиёт ютуқларини кенг жорий этиш, ходимлар-нинг билим даражасини ошириш билан боғ-лиқ. Шу боис бу борада ҳам катта ишларни амалга оширамиз.

Ана шу гоят муҳим ва долзарб вазифа-ларни самарали амалга ошириш ва соҳадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда Бош

прокурор сифатида мен бутун масъулият ва жавобгарлиқни ўз зиммамга оламан.

Ишончим комил, ўз ҳаётини қонун ва адо-латни таъминлашдек гоят олийжаноб ишга ба-ғишлаган ҳар бир прокуратура ходими бугунги кунда зиммасидаги вазифани юксак масъулият ва ватанпарварлик туйғуси билан адо этишни ўзи учун улкан шараф деб билади.

Биз ана шундай фидокорона меҳнатимиз би-лан Янги Ўзбекистонни — ҳар бир юртдошимиз эркин ва фаровон ашайдиган давлатни барпо этишга муносиб ҳисса қўшамиз.

Қадри юртдошлар!

Прокуратура идоралари “Қонун — устувор, жиноятга жазо муқаррар” деган эзгу та-моил асосида мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларда қонунийликни таъминлашда, би-ринчи навбатда, халқимизнинг қўллаб-қувват-лашига таянади.

Халқ ва давлат манфаатларини биринчи ўринга қўйиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида таъминлаб, прокурату-ра органларини чинакам халқчил тизимга ай-лантириш — бизнинг асосий мақсадимиз.

Юртимиздаги барча қонун посбонлари, ну-руний отахон ва онахонларимиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, турли соҳа ва тармоқларда меҳ-нат қиладиган фидойи ишчи ва хизматчилар, моҳир тадбиркорлар, миришкор деҳқон ва фер-мерлар, навқирон ёшларимиз, ижодкор зиёли-ларимиз, бутун халқимиз билан биргаликда иш олиб бориб, ана шундай эзгу мақсадларимизга албатта эришамиз, деб ишонаман.

Азиз юртдошлар, келинг, барчамиз шу йўлда мухтарам Президентимизга камарбаста бўлиб, қонун устувор, адолат ҳукмрон бўлган жамият-ни биргаликда барпо этайлик!

Нигматилла ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори.

❖ Хаёт-мамот масаласи

Давлатимиз раҳбари қуёнчақлик билан айтган ҳар бир фикр-мулоҳаза инсонни ҳушёрликка, огоҳликка, ватанпарвар бўлишга қорлайди, шу нуқтаи назардан йиғилишни том маънода тарихий, деб аташ мумкин.

Анжуманда мамлакат тинчлиги, хавфсизлиги билан боғлиқ масалалар комплекс муҳокама этилди. Давлатимиз раҳбари миллий армиямизни тақомиллаштириш, унинг жанговар қобилияти, мудофиа салоҳиятини мустаҳкамлаш, замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминлаш, кадрларнинг ҳарбий профессионаллик даражасини ошириш билан бир қаторда уларнинг руҳий-маънавий тайёргарлиги, ватанпарварлик тарбиясини юксалтириш нияоятда долзарблигини ўқитди.

Хозирги дунё туб ўзгаришлар, тафаккурдаги эврилишлар даврини бошдан кечирмоқда. Турли сиёсий мақсадлар, янги жаҳон тартиботини вужудга келтириш, дунёга эғалик қилиш мақсад ва иддаолари жиддий тус олмақда. Давлатлараро ва минтақалараро манфаатлар тўқнашуви тобора чуқурлашмоқда. Сиёсий ва ғоявий қарама-қаршилиқлар дунёнинг турли минтақаларида янги кескинлик ўнқоқлари пайдо бўлишига, миллатлар ва конфессиялар ўртасида қарама-қаршилиқлар кучайишига, радикализм ва экстремизм хавфи тобора ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Халқаро стратегик тадқиқотлар институти 2023 йилда дунё бўйлаб қамида 183 та минтақавий моҳиро рўй берганини баъҳон қилди. Бу сўнгги 30 йилдаги энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Бундай хатарларнинг бизга умуман алоқаси йўқ, деб айта олмаимиз. Мамлакатимиз суверенитети, истиқлолимизга нописандлик билан муносабатда бўлаётганлар, ўтказилаётган ислохотларни инкор қилаётганлар, юртимиз тараққиётига қаразгўйлик билан қараётганлар бор экан, халқимиз бир зум ҳам хотирҳам яшай олмайдми.

Ана шундай мураккаб сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, маънавий ва руҳий босимлар пайтида юрт тақдирига бефарқ бўлмаган ватанпарвар, жисмонан ва маънавий етук авлодни тарбиялаш ҳаёт-мамот масаласига айланди.

Дунёда кузатилаётган кескинлик, инсон ҳаёти, онгу қалбига қаратилган таҳдидлар барчамизни серғак тортиртиши лозим. Президентимиз таъбири билан айтганда, *бугунги кунда ҳар биримиз амалда Ватан ҳимоячиси бўлишимиз, ёшларимизни ҳам шу руҳда қамол топтиришимиз зарур*.

Бугун кўз ўнгимизда содир бўлаётган ҳодисаларини ўзи ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатидан сабоқ қиларишга ўндайди. Катта давлатлар ўртасида дунёни, улкан табиий ресурсларга бой ўлкаларни тақсимлаш “ўйин”лари ҳали тинганича йўқ. Турли йўллар билан ер ости ва ер усти бўлиқларига, салоҳиятини инсон капитални ва ресурсларига эга минтақалар устидан назорат ўрнатиш учун қучли кураш бораётгани, “кичик” давлатларга ошқоро босимларнинг кучайгани замонавининг ач ҳақиқати. Бундай таҳдидлардан Марказий Осиё минтақаси ҳам ҳоли эмас.

Мустақиллиқни сақлаб қолиш ғоят мураккаб, айна пайтда халқимизнинг энг олий мақсади-дир. Зеро, жабрдйда халқимиз тарихида мустамака бўлиб, не-не қароларни чеқди. Зулму ситам, азоб-ўқубат, турли адолатсизликлардан эзилли яшади. Эрка, ҳуриликка талпинган қанчадан-қанча ўпонақ ўғлонлар тўпта тутилди, ўққа қилди, борса келмас совуқ ўлкаларга сургун қилинди.

Шукрки, халқимиз истиқлолга эришди. Қанча жонлар, қанча қонлар эвасизга қўлга қиритилган бу бебаҳо неъмат барчамиз учун ғоятда қадрлидир.

Бугун мустамлакалик азобларини кўрмаган, жисми ҳам, қалби ҳам озода ва эркин, руҳи баланд, мусаффо осмон остида улғаяётган авлод дунёга келди. Энди улар бу улуг неъматларни кўз қорачиқидек асрашга бутун вужуди, бор имкониятлари билан курашади.

Янги мезон ва ёндашувлар зарур

Хозирги кунда энг катта бойлик — тинчликни асраш тобора долзарблик касб этаётган экан, муҳим режаларни белгилашда мавжуд хавф-хатарларни ҳисобга олмаслик асло мумкин эмас.

Йиғилишда янги Ўзбекистон армиясини кечаги мезон ва ёндашувлар билан барпо қилиб бўлмаслиги алоҳида қайд этилди. Негаки, ҳар бир давлат ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам ўз суверенитетини асрашни тарих ва келажак олдидаги муқаддас бурчи, мажбурияти, деб билади. Биз мафкура полигонлари қанчалар кучайиб бораётгани, унинг таъсир доираси ҳар қандай ядро қуроллариникидан-да кенгроқ ҳудудларни қамраб олиши мумкинлигини қўлаб ҳаётий мисолларда қўриб турибмиз.

Дунёда, ҳақиқатан ҳам, уруш стратегияси, жанг олиб бориш тактикаси ўзгариб бормоқда. Бугунги аҳборот ва юқори технологиялар асрида фақат ҳарбий салоҳият, замонавий ўқув полигонлари, қурол-аслаҳаларнинг таъминлашнинг тинчлиги ва барқарорлигини ўзиминиш учун етарли эмас. Аҳборот майдони ҳақиқий жанг майдонига айланиб бўлди. Оммавий коммуникация технологиялари орқали аҳборот қанчалари ўткир ва тезкор қурол сифатида тобора куч олмақда. Бир сўз билан айтганда, гибриду урушлар даври бошланди. Бу эса айнан ана шундай ҳуружларга қарши тура оладиган миллий армияни тақомиллаштиришни талаб этади.


Қучли руҳий-маънавий тарбия, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси нафақат Қуроли Кучлар тизими учун, балки бутун мамлакат ёшлари учун ҳам энг муҳим воситадир. Айнан маънавий-руҳий тарбия керак пайтда қалқон, керак пайтда ҳимоя қуроли вазифасини ўтай олади.

Президентимиз таъкидлаганидек, *ўз фарзандларидо юксак ватанпарварлик руҳини қамол топтира олмаган давлат қандай қудратли қуролга эга бўлмасин, мудофиа қобилиятини мустаҳкамлай олмайд*. Бундай миллат бир кун ғанимлар томонидан маҳв этилиши мумкин. Бунни нафақат тарих, айнаи замонда дунёда кечаётган воқеа ва ҳодисалар ҳам кўрсатиб турибди.

Ана шу маънода, йиғилишда Қуроли Кучлар тизимида аскар ва офицерларнинг маънавий-руҳий, ватанпарварлик тарбиясини кучайтиришда ёзувчи ва шоирлар, кино, театр, телевидение ижодкорлари, маънавий-маърифий жаҳаларда фаолият юритувчи ташкилотлар олдиға муҳим вазифалар қўйилди. Негаки, кейинги

йилларда яратилган, юракка яқин “Ҳарбий қўшиқлар”, “Жанговар қақирқлар”, “Ҳарбий мерос ва жанг санъати” ифода этилган тарихий-илмий, адабий асарлар, маънавий ватанпарварлик дастурлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков ижросида айтилган “Қим Ватанға қалқон бўлса, менидирман ўшал!” деган қўшиқ бугун улуг саркарда Жалолиддин Мангуберди тимсолида миллионлаб юракларда мардлик ва жасорат, ватанпарварлиқни улғайтиришға хизмат қилмоқда.

Аммо бу каби юракни жунбушға келтирувчи, юксак ватанпарварлик ҳиссини кучайтирувчи



Сирохиддин ВОХИДОВ олган суратлар

қўшиқлар қўплаб яратилиши лозим. Зеро, мардлик мардликни ўйғотади, эр йигит сўзи эр йигитни қамолға етказида.

Шер бор жойға қашқир йўлолмас

Аждодларимиз мардона руҳи, жасорати билан асрлар давомида душманларни кўрқув ва таҳликаға солиб турган. Зеро, шер бор жойға қашқир йўлолмас, деб беҳиз айтмаганлар. Ватанимиз тарихида айнан ватанпарварлик туйғуси сабаб ўзидан сон жиҳатдан бир неча ўн баробар қўп бўлган қудратли лашкарларни етган қанчадан-қанча жасур аждодларимиз ўтган. Тўмарис, Спитамен, Маҳмуд Торобий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темуру, Бобур Мирзо — булар маънавий рух, мардлик ва шижоат, миллатпарварлик, ватанпарварлик туйғуси билан асқларларни қудратли қучға айлантира олган юрт қалқонларидир. Шу маънода, жасур аждодларимизнинг жанг санъати, ҳарбий меросини янада чуқурроқ ўрганиш, айнакка, ёш авлод онгу қалбига сингдириш нияҳтда долзарб.

Ватанпарварлик гапирлишға осон, оғизнинг бир чеккасидан чиқиб кетаверадиган оддий сўз эмас. Ҳа халқига садоқат ва фидойилик, она Ватани ҳимоя қилиш, уни чексиз севлиш ҳар қандай инсоннинг ҳақиқий ватанпарварлик фазилати ҳисобланади. Ватанпарварлик юртининг озолидги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, халқининг ор-номуси, шон-шарафи, бахту саодати учун қуч-ғайрати, билим ва таҳрибаси, бутун ҳаётини бахш этишдек муқаддас ҳамда олийжаноб фаолиятни ағлатади. Шу маънода, у юрт тараққиёти учун дахлдор бўлишға ўндайдиган маънавий-ахлоқий фазилат, десак, тўғри бўлади.

Тарихдан маълумки, Ватан озолидги учун қуралиш масаласи алломалар асарлари ҳамда эзгу ғояларни ифода етвчи таълимотларнинг бош ғояси бўлиб келган. Ватан тарихини билган, улуг аждодлар меросини чуқур ўрганган ҳар бир инсон қалбидо миллий гуруру-ифтихор туйғулари янада жўш уриб, эл-юртға садоқати ортиб бораверади. Инсон қалбидо миллат, Ватан, аждодлар руҳи олдидаги бурч ва туйғулар қанчалик чуқур жой олган бўлса, маҳдудлик ўрнини миллий ғоялар эғаллайди. Қурашчанлик, ташаббускорлик, ўз ўзини ағлаш, миллат, мамлакат шаъни ва манфаатини ҳимоя қилишдек муқаддас туйғулар унинг ҳаёт тамойилиға айланади.

Демак, тугилиб-ўсган тупроғи шаъни, ор-номусини жон-жаҳди билан ҳимоя қиладиган, жамият мақсад ва манфаатларини тўшуниб етадиған, ҳар томонлама қомил инсонни тарбиялаш, бунинг учун фарзандларимиз онғида Ватанға муҳаббат, юрт тақдирига дахлдорлик, тинч, эркин ва фаровон ҳаётнинг қадриға етиш туйғусини кучайтириш энг устувор масала бўлиб қолаверади.

Ҳушёрлик, маънавий-руҳий тарбия, ватанпарварлик ҳар бир юракда ўйғотувчи қуч бўлиши керак. Ўзгалар маънавий пойдеворига эга бўлмаган қалбға, ғафлат босган юракларға доим ўз байроғини тикишға ҳозирлигини ҳеч қачон унутмаслик лозим. Бугун душманнинг ўқлари инсонларни жисмонан йўқ қилса, унинг сўзлари қишларни маънан маҳв етмоқда. Душман томонидан отилган битта ўл бир қишини йўқитса, у томондан айтилган битта сўз минглаб қишларнинг онғи, руҳини емириб, манкуртта айлантирмоқда.

Шундай экан, йиғилишда қайд этилганидек, *агар биз Ўзбекистон аҳборот маконидо миллий контент яратишчи ўз қўлимизға олмас эканмиз, дунёдаги воқеаларға миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан баҳо бермас эканмиз, бу ишлар хориждан туриб амалға оширилишға имкон яратиб берган бўламиз. Чунки одамлардаги янгилик, таҳлили маълумот, реал воқеаларға бўлган эҳтиёжи биз қондирмас эканмиз, бунни бошқалар қилад*. Бунға мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Бу дунё — кураш майдони

Тан олиш керак, бугунги нотинч замонда, айнакка, ён-атрофимиздаги вазият кескинлашди бораётган бир пайтда она юртимизни асраб-авайлаш, дўстни душмандан, оқни қорадан ажраттишға, аҳолимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашға даъват этишда миллий оммавий аҳборот воситалари ўз ҳиссасини қўиши алоҳида аҳамиятга эга. Айрим одамларда жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил эта олиш қўникмаси мавжуд эмаслигини биз, матбуот ва ОАВ вакиллари иши-

миздаги қамчилик деб билишимиз зарур.

Бундай ҳолат баъзи юртдошларимизда юз бераётган ислохотлар мазмун-моҳиятини теран ағлашға халақит қилаётганини сезиш мумкин. Нима бўлганда ҳам, глобаллашув жараёнлари шароитида у ёки бу мамлакатнинг миллий хавфсизлигига қаратилган таҳдидлар орасида аҳборот ҳуружлари асосий ўринни эғаллаётганини мутахассислар уларнинг фуқаролар онғиға таъсир этиш қучи юқорилиги билан изоҳлашмоқда.

Аҳборот ҳуружлари, дея таърифланаётган бундай хатти-ҳаракатлар у ёки бу мамлакатта фақатгина таҳдид қилишдангини иборат эмасли-

жак олдидаги маънавий масъуллигига, бу масъулиятни бутун онгу шууримиз, қалбимиз билан ҳис этишимизға боғлиқ. Шу ўринда Абдурауф Фитратнинг қуйидаги сўзлари ёдға келади: *“Бу дунё кураш майдонидир. Бу курашнинг қуроли соғлом тан, ўткир ақл ва ахлоқдир”*.

Иброт мактаби

Қуроли Кучлар орасида маънавий-руҳий тарбиянинг армияни енгилмас қучға айлантирувчи яна бир жиҳати бор, бу унинг халқ билан қиянлигида намоён бўлади. Дейдиларки, “Армияси ва халқи бир бўлган давлатни енгиб бўлмайди”. Негаки, армия билан бир бўлган халқ ўз тинчлиги ва фаровонлигини армия қуч-қудратида қуради. Ўндай халқ армия учун қинакам ватанпарварларни тарбиялаб беради. Вазият тақозосига қўра, хавф тугилганда у армия билан бир бутун қучға, енгилмас лашкарға айланади.

Бунға тарихдан жуда қўп мисоллар келтириш мумкин. Биргина Нажмиддин Қубро жасоратини эслайлик: мўғуллар Гурганжни қамал қиладди. Гарчи Чингизхон бир неча маротаба 76 ёшли шайхға элчи юбориб, унинг саломат қолишиға қафолат бериб, қалъани тарк этишға даъват қилса-да, Нажмиддин Қубро: “Кинди қоним тўқилган, менға меҳр-муҳаббат кўрсатган Ватаним учун курашиб ўлиш ҳуқуқини мендан ҳеч қим тортиб ололмайди”, дея бу таклифни рад этади. Ватан ишқи, озолидги йўлидаги инсоний бурч умрида, хатто ўнлик лашкарни ҳам бошқариб кўрмаган буюқ олим, донишманд Нажмиддин Қуброни мўғулларға қарши қаҳрамонона жангта отланган кўрқмас қўмондон, мард жангчиға айлантиради.

Бу муҳораба она Ватанимиз тарихидаги энг шонли, шунингдек, энг фожиали саҳифалардан бири бўлди. Маънавий-руҳий жипслик, халқ ва лашкар ўртасидаги бирлик энг зарур пайтда ягона қудратға айланади. Шайх бошчилигидаги мудофачилар Ватаниннг юраги бўлимиш Гурганж ҳимоясини ор-номус ҳимояси деб билади. Бундай туйғу барча лашкарни қамраб олади.

Шайхнинг даъвати мудофачилар қалбидоги ўлим ва мардлик тўшуналариғи ўйғулаштиради. Шаҳарда тирик жон борки, мудофачиға айланади. Душманға катта талафотлар етказида. Бироқ аскарлар сони тенг эмасди. Ёғий мўр-малаҳдек бостириб келаверади. Охириқибат шайх душман байроғиға чанг солганча халок бўлади...

Давлатимиз раҳбари тинчлигимизни асраб-авайлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда ватанпарварлиқнинг ўрни беқийёс-лигини, шонли тарихимиз, бой илмий ва маданий меросимиз, баҳодир аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти биз учун қинакам иброт мактаби эканини беҳиз таъкидламади.

Масалан, буюқ бобомиз Амир Темуру қўшинларининг жанговар руҳи ғалабани таъминлашда муҳим омил бўлган. Биз аждодларимизнинг ҳарбий меросини чуқурроқ ўрганишимиз бугунги қалтис замонда ҳам айнаи муддао.

Буюқ ҳарбий саркарда, стратег, илм-фан, маданият ҳомиysi Соҳибқироннинг муваффақиятли ғалабалари, олиб борган чуқур ўйланган стратегия ва тактикалари эса мутлақо ноёбдир. Бу баландарвоз гап эмас. Чунчони, бугун дунёнинг қўп давлатлари ҳарбий сиёсатида Амир Темуру бобомиз ўғитлари ва бошқарув тутумларидан кенг фойдаланиб келмоқда. Буни бобомиз қўллаган ўнлаб ҳарбий атамалар бугунги кунгача қўплаб мамлакатлар ҳарбий соҳасида қўлланиб келаятганида ҳам қўришминки.

Бундан, албатта, фахрланамиз. Аммо ўзимиз ҳам бу буюқ меросдан самарали фойдаланишимиз керак. Шу мақсадда Президентимиз катта ишларни бошлаб берди. Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан яқин-яқингача “Суворовчилар” деб номланиб келган ҳарбий академик лицейлар “Темурубеклар мактаби”ға айлантирилди. Бу буюқ давлат арбоби ва саркарда соҳибқирон Амир Темурунинг Ватанға садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб хизмат қилишига имкон яратида.

Дарҳақиқат, Соҳибқирон бобомизнинг ибратли ҳаёти ва ҳарбий-сиёсий фаолияти, бебаҳо ҳарбий мероси, хусусан, унинг “Темуру тузуқлари” асари ёшларни юрт қайғуси ва уни севиб ардоқлаш руҳида тарбиялашда беқийёс аҳамиятга эга. “Тузуқлар”да шундай ҳарбий тактикалар, залварли фикрлар, ҳаётий ўғит ва насиҳатлар келтирилганки, улар бугун ҳам қомил фарзандни тарбиялашда, шунингдек, Мудофиа вазирлиги тизимидаги ҳарбий хизматчиларнинг маънавий савиясини юксалтириш, миллий тарихимизни чуқур ўрганишда жуда қўл келади.

Зеро, буюқ Амир Темуру дунёға адолат танта-насини мерос қолдирди. Бу мерос бутун ҳам, кейин ҳам ўзининг сўнмас ва доимо талинувчан руҳи билан дунё халқларини ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликка, тўғри ва ҳалол яшашға, олийжаноб ҳамда меҳрибон бўлишға қорлаб туради. Соҳибқирон ҳазратларидаги ватанпарварлик, мардлик, юрт тинчлиги ва фаровонлиги, равнақи учун қалқон бўлиш каби фазилатлар нафақат шахсий мануна, шу билан бирға, Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Шоҳрух Мирзо, Мирзо Улугбек, Захириддин Мухаммад Бобур каби теумурийлар фаолиятида ҳам мужассам бўлган.

Шу ўринда яна бир буюқ саркарда бобомиз Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий мероси ҳам бебаҳо эканини таъкидлаш жоиз. Улуг саркарда ҳарбий фаолияти давомида қўшини таркибидо, бошқариш тизимида, қурол-яроғлар таъминотида, жанговар ҳаракатлари ва бошқа ҳарбий жаҳаларда улуг аждодларига хос бўлган энг яқши аънаналарни сақлаб қола олган. Айни пайтда у бўлиб ўтган жангларда ҳарб илмининг юксак билимдонни, янги ҳарбий тактикаларнинг яратувчисини, қўшинни моҳирлик билан бошқара оладиган лашкарбоши, кўрқмас, мард, қаҳрамон курашчи, Ватан, халқ озолидги учун жонини бахш этган фидойи инсон сифатида тарих саҳифаларига муҳрланди.

Султон Жалолиддиннинг ҳарбий тактикасида энг қўп қўлланилган жанг усулларидан бири — бу душман қўшини марказиға ҳужум қилиб, уни пароканда этиш, унинг ўртасига ёриб кириб, қириб ташлашдан иборат бўлган. Чунки марказнинг ҳалокати қўшиннинг мағлубиятига олиб келган. Жалолиддиннинг оз сонли лашкарлар билан душманнинг қўп сонли қўшинлари устидан доимо ғалаба қилиш сирларидан бири ҳам ана шунда бўлган. Жалолиддин Мангубердининг қуч-қудрати, қаҳрамонлиги, улуг саркарда, етук давлат раҳбари, ҳарбий маҳоратиға нафақат

атрофидаги унга ҳамқор, ҳамфикр бўлган инсонлар, амирлар, султонлар, хонлар, шоҳлар, балки унинг ашаддий рақиблири, душманлари ҳам тан берган. Масалан, Синд дарёси бўйидаги қаттол жангдан кейин уруш оловидан қутулиб кетган Жалолиддиннинг мардлигидан ҳайратға тушган Чингизхоннинг унга қарата “Ҳақиқий ота ўғил мана шундай бўлиши керак! У шундай қиргинбарот жанг майдонидан ва ўлим дарёси гирдобидан қутулиб ҳимоя қирғоғиға чика олдим, демак, ундан яна ҳам қўп қаҳрамонлиқлар ва сон-саноксиз ташвишлар қутиш мумкин”, деган сўзларида улуг саркардаға нисбатан нафрат билан бирғаликда унинг мардлигига тан бериш ҳам ўз ифодасини топган.

Жалолиддин Мангубердининг ўн бир йилдан ортқ мўғул босқинчилиқига қарши олиб борган кураши беиз кетмади. У ўз фидойилиги, жасорати, матонати билан қўп халқларни мўғуллар исканжасига тушишдан асраб қолди. Мана, бой ҳарбий меросимизни ўрганиш нима учун керак?!

Маънавий жасорат — энг олий талаб

Инсон ўзлигини ағлагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрағида Ватанға муҳаббат туйғуси улғая боради, тугилиб ўсган юртиға меҳри ортади. Бу Ўзбекистон тупроғида яшаётган, уни ўз она Ватани деб биладиган барча миллат ва элатларға бирдек дахлдор.

Халқимиз бой тарихи, юксак маданият ва буюқ маънавиятға эга. Зотан, энг қалтис ва таҳликали даврларда миллатимизға умид ва ишонч берган, уни ёвларға қарши курашға ундаган, аждодларимизни илмий кашфиётлар, ҳарбий зафарларға, маърифат машъалини баланд қўтариб, жаҳолатға қарши чиқишға қорлаган беқийёс қуч маънавий жасорат туйғусидир.

Тарих синовидан ўтган ҳақиқат шуки, эзгу ғояларға, маънавий меросға, аънаналар ва замонавий талабларға асосланмаган ҳар қандай давлат тизими узоққа бормайди. Дунёда энг қийин яш инсонни тарбиялаш, унинг онгу тараққурини шакллантириш, деган гап бор. Чунки бу борада қуруқ сўз ва хатто билим-тажрибанинг ўзигина қифо қилмайди. Бу борада, авваламбор, инсон ўзининг амалий иши ва эзгу сайй-ҳаракатлари, фидойилиги билан мақсаднинг тўғрилиги, ҳаққончилигини исботлаб бериш керак.

Бизнинг мақсадимиз оддий ва ҳаётий — ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ёшлар қалби ва онғида юксак ватанпарварлик, дахлдорлик туйғулари қарор топиши, олийжаноб фазилатлар устувор бўлишига эришиш. Табиийки, бунда фарзандларимизнинг нафақат билимини ошириш, балки улар қалбидо мустақиллигимизни мустаҳкамлаш билан боғлиқ янгича тафаккур, янги ғояларни қамол топтириш, уларни юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз тараққиётини таъминлаш йўлида эзгу ишларға рағбатлантириш, одамлар онгу шууридо ҳаётимизнинг турли соҳаларида олий борилаётган кенг қамровли ислохотларға дахлдорлик, бунёдкорлик, келажакка ишонч ва шукроналик туйғуларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Хуллас, Президентимизнинг Хавфсизлик кенгазининг кенгайтирилган йиғилишида билдирган фикр-мулоҳазалари, соҳа мутахассдиларига, ижодкор зиёлиларға берган топшириқлари, кўрсатмалари Қуроли Кучларимиз жанговар қобилиятини ошириш, мамлакатимиз сарҳадлари хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлиги, суверенитетини ҳимоя қилиш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичға олиб чиқишға хизмат қилад

Айнаи пайтда жаҳонда руй бераётган зиддиятлар, қуроли тўқнашувлар шароитида ҳар бир юртдошимизни доим огоҳ ва ҳушёр яшашға, Ватанимиз тинчлиги, осойишталиги, тараққиёти йўлида бир тану бир жон бўлиб курашишға ўндайди.

Ватанини севлиш, уни кўз қорачиқидек асраб-авайлаш — ҳар биримиз учун муқаддас бурч. Бугунги таҳликали, талатўп дунёда тўғри йўлни йўқотмасдан, турли алдов ва хиёланларға учмасдан, мана шу бурчға ҳамиша содиқ қолсак, юзимиз ёруғ, манзилимиз ойдин бўлиши, шубҳасиз.

*Ҳар лаҳза турланиб боради дунё,
Шу фурсат ортида қанча сир пинҳон.
Қайда қуёш қулса, қай жой зим-зиё,
Кемадай чайқалиб турибди жаҳон.*

*Баримиз йўловчи муқаддас йўлда,
Нурли манзилларға қадалган нигоҳ.
Мақсадсиз одимлар — бари беҳуда,
Ҳушёр яшамасак, бўлмасак огоҳ...*

*Барчамиз бир бўлсак — битта кўз бўлсак,
Ваҳшатли тўлқиндан соғ ўтажакмиз.
Қўнғимиз муштарак, битта сўз бўлсак,
Сирли эшиқларни ланг очажакмиз.*

*Не зотлар шу юрт деб ўртанган, ёнган,
Қанчасининг бағри пораян қуюқ.
Ватанини севган ҳар одамки шан,
Юртин ардоқлаган ҳар зотки — буюқ.*

*Буюклар юртидир демак бу ўлка,
Амир Темуру айтсин, Широқ ё Қубро.
Юзига, сўзига тумшак қўланка,
Чунки осмонини безар Ой, Зухро.*

*Сенга паноҳ бўлсин порлоқ зиёлар,
Воз кеч фоний дунё савдоларидан.
Момолардан олгин эзгу дуолар,
Рухингга сабоқ ол боболарингдан.*

*Ўелон! Жасур эрсанг аяма жонни,
Бу Ватан абадий, жон эса ўтар.
Қўтар елканг узра Ўзбекистонни,
Довруғини қўтар, шонини қўтар.*

*Унутма!
Ёлар мўл, йўл етар давом,
Посбон бўл, қўнғингдo муқаддас бир ҳис.
Мудом жарангласин қалбада бир қалом:
Ватанини асрамоқ — севмоқдай азиз!*

Ўткир РАҲМАТ

ЮТУҚЛАРИМИЗ САЛМОҚЛИ БЎЛДИ, ВАЗИФАЛАРИМИЗ ЯНАДА ЗАЛВАРЛИ

«2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган устувор мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси томонидан 2023 йилда бир қатор ишлар рўйбга чиқарилди.

Хисобот ийлида қонунчилик фаолияти йўналишида парламент юқорти палатасига келган 24 та қонун ва 26 та долзарб иқтимоий-иқтисодий масала кўмитамизда дастлабки тарзда кўриб чиқилди ҳамда тегишли хулоса ва қарорларга асосан Сенатнинг ялпи ҳамда Кенгаш мажлисларида маъқулланди. Кабул қилинган ҳужжатлардан бири — “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Қонунни алоҳида таъкидлаш зарур. Бу қонун билан маъмурий ва фуқаролик ишларида ҳам ҳам таъминланган аҳоли қатлами давлат томонидан малакали юридик ёрдам олиш имкониятига эга бўлди.

Бундай фикрни “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига

ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Негаки, унга кўра, хотин-қизлар ва воёга етмаганларга нисбатан таъзияк ва ўзравонликлар учун жавобгарлик қўчайтирилди ҳамда бундай турдаги жиноятлар учун энгил чоралар кўрилмаслиги белгиланди.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонун билан эса амалдаги қонунчилик ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш ҳамда тартибга солишини мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди.

Шу ўринда кўмитамиз аъзолари томонидан аҳолини ташвишга солаётган ва уларнинг муурожаатларида кўп учраётган долзарб масалалар ечимига доир қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш борасида ҳам салмоқли ишлар бажарилганини айтиш зарур. Яъни икита муҳим масала бўйича таҳлил ўрганишлар олиб борилган. Хусусан, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича ўтказилган ўрганишлар натижаларни асосида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Пировардида лойиҳа кенг жамоатчилик фикр-мулоҳазалари асосида янада тақомиллаштирилди ва қабул

қилиниб, амалиётга татбиқ этилди. Хисобот даврида кўмита томонидан назорат-таҳлил йўналишида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Масалан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўналишида 2022-2023 йилларда давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларга келган муурожаатлар билан ишлаш ҳолати ўрганилди. Таҳлил асосида кўмитамиз қарори қабул қилиниб, идора ва ташкилотларга аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар берилди.

Назорат-таҳлил тадбирлари доирасида суд-ҳуқуқ соҳасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Маъжбурий иқроси доирасидаги таҳлил ўрганилди ва аниқланган камчиликлар тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда ОАВ ишларида кўмита мажлисида муҳокама қилинди. Шу сайёҳаракатлар савармаси ўлароқ 100 нафардан ортиқ фуқароларнинг ишга тикланилишига эришилди.

Коррупцияга қарши курашиш фаолияти доирасида кўмитамиз томонидан халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши билан биргаликда вилоятдаги ҳудудий давлат органлари раҳбарларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолияти юзасидан ахборотлари

эшитилди. Пировардида эса аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қўшма қарор имзоланди ва назоратга олинди.

Кўмитамиз масъуллигида Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи коммиссия ҳамкорлигида Президентимизнинг “2022 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иқроси устидан прокурор назорати ҳолати Тошкент вилоятида ўрганилди. Унинг натижалари бўйича кўмита қарори ва камчиликларни бартараф этиш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинди ҳамда унинг бажарилиши устидан назорат ўрнатилди.

Хисобот даврида кўмита аъзолари томонидан жами 16 та сенатор сўрови юборилди ва уларнинг аксарияти ўзининг ижобий ечимини топди. Масалан, М. Ганиева сўрови натижасида Андижон вило-

Кўриниб турибдики, кўмитамиз аъзолари ўтган йилни яхши натижалар билан яқунлади, олдимизда турган вазифалар эса янада залварли. Бу тўғрисида ақинда бўлиб ўтган кўмитамизнинг хисобот йиғилишида ба-тафсил тўхталиб ўтдик ҳамда вазифалар юзасидан фикрлашиб олдик.

Шуҳрат ҚўЛЛИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси ўринбосари.

Сенат кўмитасида Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси — доимий эътиборда

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитасининг 2023 йилги фаолияти ақунларида бағишланган йиғилишда айни масала чуқур муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, ҳисобот даврида кўмита аъзолари томонидан қонунчилик ва парламент назорати фаолияти доирасида 86 та масала қўрилган, яъни мажлисларга 17 та масала киритилган, парламент эшитиш ва парламент сўрови натижалари муҳокамадан ўтказилган. Айни чоғда 112 та сенатор сўрови юборилиб, 92 та масала ижобий ҳал этилган, қолганлари эса назоратга олинган.

Қолверса, Оролбўйи иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва экология соҳасига оид 30 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат — қонунлар, халқаро конвенциялар ҳамда Президентнинг Фармон ва қарорлари иқроси ўрганилиб, маълуотлар тайёрланган. Экология ва атроф-муҳит муҳофазасига оид 10 та қонун ва қонуноти ҳужжатининг ўзаро мувофиқлиги таҳлил қилиниб, уларни тақомиллаштириш бўйича тақлифлар илгари сурилган ва кейинчалик уларнинг 6 таси қонун сифатида ишлаб чиқилиб, маъқулланган.

Инвестиция дастурлари иқроси, ҳудудларни иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан қонун ҳужжатларининг жойлардаги иқросини ўрганиш мақсадида қатор назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилди. Қолверса, давлат раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасини комплекс иқтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган Фармон ва қарорларининг иқро этилиши ҳамда ҳудуддаги тадбиркорлик субъектларига берилган солиқ ва бошқа имтиёзлар қўлланилиши юзасидан мониторинг олиб борилди.

Чикиндиларни қайта ишлаш ҳамда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ва даракларноқонуний кесилишининг олдини олиш ҳолатлари, доривор ўсимликларни табиий муҳитдан териб олишга квота ажратиш ва унинг шартларига рия қилиниши масаласи ҳам кўмита аъзолари томонидан кенг таҳлил этилди.

Йиғилишда айтиб ўтилганидек, 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг 6-мақсад 3-вазифаси доирасида Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида оқова сувларни тозалаш тизимида бажарилган ишлар, сув ресурсларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш, сувни бошқариш механизмлари тақомиллаштириш, соҳанинг қонунчилик базасини мустаҳкамлаш масалалари ҳам ўрганиб борилди.

Хусусан, Тошкент шаҳри ҳудудидан ўтувчи канал ва коллекторлар ҳамда уларнинг муҳофаза зоналарида бажарилган ободонлаштириш ишлари, “Айдар-Арсасой” қўллар тизимида экологик сув ресурслари барқарорлигини таъминлаш ва “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг иқроси юзасидан масъуллар ахборотлари эшитилди.

Кўмита йиғилишида аҳоли муурожаатлари билан ишлаш йўналишидаги натижалар ҳам эътироф этилди. 322 та ёзма муурожаатнинг 250 таси ижобий ҳал қилингани ва қолганлари назоратга олингани бунга яқол мисол. Масалан, Андижон туманидаги бир нечта маҳалла аҳолисининг оҳақ цехларидан чиқаётган аччиқ тутун инсонлар саломатлигига жиддий таъсир қилаётганлиги ҳақидаги муурожаати маҳаллий Кенгаш билан ҳамкорликда ўрганилиб, яқунда ижобий ҳал этилди.

Яна бир мисол. Шаҳрисабз туманидаги Сарчашма қишлоғи аҳолисини сув билан таъминлаш мақсадида қурилаётган канал мулдатидан кечикаётгани тўғрисидаги сенатор сўрови иқроси ҳам назоратга олинди ва эътиборлини, бу борадаги ишлар ақунлини арафасида.

Кўмита ташаббуси билан “Оролга мадад” акцияси, Оролни қутқариш халқаро хайрия ҳамгармаси билан ҳамкорликда Қонилиқ ва Кегейли туманларидаги 2 та мактабга сув тозалаш усқуналари ўрнатиб берилди.

Йиғилишда кўмита олдида турган долзарб вазифалар ҳам кўриб чиқилди.

Оролбўйи минтақаси иқтимоий-иқтисодий экологик барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, биохилмаҳиллиқни асраш, шунингдек, экотуризмни ривожлантириш, ҳудудларни яшиллаштириш, иқлим ўзгариши салбий оқбатларини юмшатиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишни кенгайтириш вазифалари ана шулар жумласидандир.

Чикинди муаммосини ҳал қилиш, муҳофаздаги табиий ҳудудларнинг кадастри юритилишини таъминлаш, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган тадбирлар иқросини изчил амалга ошириш, атмосфера ҳавосини ҳимоялаш, соҳанинг қонунчилик базасини янада мустаҳкамлаш масалалари ҳам кўмита аъзоларининг устувор вазифалари сифатида кўрсатиб ўтилди.

«Халқ сўзи».

ЁШЛАРДАГИ КУЧ-ШИЖОАТ, БИЛИМ ВА ИНТИЛУВЧАНЛИК ЖАМИЯТНИ ТАРАҚҚИЁТГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

Бутун дунёда ёшларга жамиятнинг ҳаракатга келтирувчи асосий куч сифатида қаралади. Бу беҳиз эмас. Зеро, улардаги куч-шижоат, билим, энг муҳими, интилувчанлик ҳар қандай жамиятни тараққиётга олиб чиқади. Бунини кўйлаб ривожланган мамлакатлар мисолида кўриш мумкин.

Айтиш жоизки, бу борада Ўзбекистон улкан салоҳиятга эга. Яъни бизда аҳолининг қарийб 60 фоизини навқирон авлод ташкил этади. Шу сабабли ҳам охириги йилларда юртидашларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, соғлигини сақлаш, таълим олиши учун шарт-шароит яратиш ҳамда илгор ташаббусларини рўйбга чиқариш масалаларига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратиб келинапти.

Фикр

Ана шу сайёҳаракатлар натижасида бугунги ўзбек йигит-қизлари жаҳон спорт ареналарида ўзлигини намойён этаётди, фан олимпиадаларида голиб бўлмоқда, истеъдоди ва санъати билан жаҳон ҳамжамиятининг меҳрини қозонмоқда. Ишонамизки, бундай муваффақиятлар кейин ҳам кўпаяди. Негаки, жорий Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йиғилида ҳаракатлар янада кенгайди. Йил дастури қабул қилиниб, эртами эгалари учун муҳим ва долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилган вазифалар белгиланади ва амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари янги йил номини эълон қилар экан, 2024 йилда илм-фан, инновация, IT каби соҳаларни ҳамда рақамли технологияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилишини таъкидлади. Айни чоғда иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромадларини ошириш, ижтимоий соҳалар ривожини мулкка олиш босқичга кўтариш масалаларига ҳам кенг ургу берилди.

Дарҳақиқат, ҳаётимиз тобора рақамлашиб бораётган ҳозирги даврда ёшларнинг IT соҳасидаги билимларини ошириш ҳамда уларда рақамли технологияларга нисбатан кўникмалар ҳосил қилиб бориш долзарб масала ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда ахборот технологиялари йўналишида олий таълим берувчи муассасалар сони 60 тадан ва уларда таҳсил олаётган талабалар сони 55 минг нафардан ортиди. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси дои-

расида 2019 — 2022 йилларда “uzbekcoders” платформасида таълим олаётганлар сони 2,5 миллион нафардан ошган. Шу жумладан, платформа орқали 1,2 миллиондан ортиқ ёшлар таълим олиб, биттирувчи сертификатларини қўлга киритган.

Республика бўйича 2015 та рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этилган бўлиб, шу кунга қадар уларда 195 минг нафар тингловчи ўқитилди.

Шуларга мос равишда ёшларнинг халқаро IT-сертификатларини олиш ва ўқиш ҳаражатларининг 50 фоизгача бўлган қисминини Давлат бюджетидан тўлаш амалиёти йўлга қўйилди. 2022 йилда 460, 2023 йилнинг 9 ойида 618 нафардан ортиқ йигит-қизларга бундай сертификатлар ҳаражатлари қўллаб берилди. IT-паркларнинг резиденти бўлган ҳусусий ўқув марказлари сони 2020 йилда 11 тани ташкил этган бўлса, 2023 йил 9 ой ақунларида кўра уларнинг сони 278 тага етказилди.

Дарҳақиқат, жорий йилда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасидаги сайёҳаракатлар янада кенг қулоқ ёзади. Бунинг учун давлатимизда етарлича ресурс ва имкониятлар бор. Сўнгги олти йилда 30 ёшгача бўлган тадбиркорлар 8 баробар қўпайиб, уларнинг сони 750 мингдан ошгани фикримизни тасдиқлайди.

Таъкидлаш жоизки, улар тадбиркорлиги бўйича яхши тизим яратилган. Хусусан, республикамизда туман-шаҳарларида 210 та Ёшлар саноят ва тадбиркорлик зонаси очилган бўлиб, уларда 3,5 трлн. сўмлик 2408 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ўтган йили ушбу йўналишда кўмитамиз томонидан парламент назорати олиб берилди. Жумладан, Андижон, Фаргона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги Ёшлар саноят ва тадбиркорлик зоналари фаолияти ўрганилди. Унинг натижалари дастлаб кўмитада, кейин Сенат Кенгашида кенгайтирилган тартибда муҳокама этилди ва Кенгаш қарори қабул қилинди. Қарор иқроси доирасида эътиборга молик натижаларга ҳам эришилди.

Хусусан, бюджет маблағлари ҳисобидан республикадаги 15 та ЕСТЗни ташки муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун 16,3 млрд. сўм маблағ ажратилди, объектларда 9,9 млрд. сўмлик ишлар бажарилди ва 10,2 млрд. сўм маблағ молиялаштириб берилди.

Шунингдек, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари маблағлари ҳисобидан 29 та лойиҳага 159,1 млрд. сўм ва Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 116 та лойиҳага 29,4 млрд. сўм маблағ ажратилишига эришилди.

Бундан ташқари, соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, ҳуқуқат томонидан тасдиқланди.

Кўриниб турибдики, охириги йилларда мамлакатимизда ёшларнинг тадбиркорлигини ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Муҳими, жорий йилда бу ишлар қўлами янада кенгайди, табиийки, натижа ҳам шунга яраша бўлади. Йигит-қизларимиз эса уларига қаратилётган бу эътибордан руҳ олиб, янги марраларга интилади, Ватан тараққиёти ва халқимизнинг фаровонлиги йўлида хизмат қилади. Мутасаддилар қаторида, биз, парламент вакиллари ҳам уларга ҳар томонлама қўмақчи бўламиз.

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси ўринбосари.

ШАРАФЛИ ВА МУҚАДДАС БУРЧ

Бугунги кунда армия-миз жаҳон ҳарбий қурилишининг энг илгор тажрибаларини ўзида муҷассам этган. Ҳарбий ўқув юрларимиздаги таълим тизими эса тубдан ўзгармоқда. Уларда бўлғуси офицерларни тайёрлаш ва тарбиялаш ҳозирги замон талабларига тўла мос келадиган, принципал жиҳатдан мутлақо янги бўлган ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилган.

Қувонарлиси, ҳарбий таълим соҳасида ҳам алоқалар жадаллашиб, ҳарбий хизматчиларни тор доирадаги мутахассисликлар бўйича тайёрлаш мақсадида хорижий давлатларнинг етакчи олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқитиш давлати эътирилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 20 сентябрдаги тегишли қарорига мувофиқ, Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасалари ҳамда ўқув марказларида Марказий Осиё ва Европа давлатлари ҳарбий хизматчиларининг таълим олиши ҳам йўлга қўйилди.

Ўтган қисқа муддатда узлуксиз ҳарбий таълим тизимини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш борасида жиддий қадамлар ташлангани, Қуролли Қучлар Академияси ҳарбий илм-фан соҳаси локомотивига айлангани, олий ҳарбий таълим муассасаларида янги-чи ёндашув ва ўқув услублари жорий этилгани натижасида Ватан ҳимоячиларининг ҳарбий хизматга бўлган ёндашуви тубдан ўзгарди, ҳарбий қисмларда масъулият ва интизом мустаҳкамланди.

“Армия ва халқ — бир тану бир жондор” деган улғуғи гонаи амалда таъминлаш йўлидаги сайёҳаракатлар тўғрисида Ўзбекистон Қуролли Қучлари республикаси мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва оқсоийша ҳаётини ишончли ҳимоя қилишининг чинакам қафолати бўлмоқда.

Глобаллашув жараёнари ҳамда одамлар, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онги учун кураш қўнайиб бораётган ҳозирги ўша мураккаб шартларда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиянинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Айнан шундай шартларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий кадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига тинчлик ва тотувлиқни кўз қорачиқидек асраб-авайлаш заруриятини чуқур сингдириш, уларда миллий армиямиздан фахрланиш ва тинчлик деган буюк неъматни асраб-авайлаш каби туйғуларни қўнайитиш кечиктириб бўлмас вазифа ҳисобланади.

Шу жиҳатдан, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, навқирон авлод вакилларининг юртимиздаги ислохотлар жараёнидаги иштирокини ошириш, улар ўз интеллектуал ва иқидий салоҳиятини рўйбга чиқариши учун шароитлар яратиш, миллий армиямизни янада ривожлантириш ва мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қараталиётди.

Президентимиз, Қуролли Қучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев раислигида 12 январь куни Ҳавфсизлик кенгашининг Қуролли Қучлар ва ҳарбий-маъмурий секторларининг 2023 йилдаги фаолияти ақунлари ва яқин истик-

болга мўлжалланган вазифалар муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилишда ҳам ушбу масала алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари бугунги кунда ҳар биримиз амалда Ватан ҳимоячиси бўлишимиз, ёшларимизни ҳам шу руҳда қамол топтиришимиз заруриятини таъкидлаб, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини қайта кўриб чиқиш юзасидан тегишли муассасаларга аниқ топшириқлар берди.

Албатта, ўтган даврда бу борада салмоқли ишлар қилинди. Хусусан, Қуролли Қучларнинг замонавий инфратузилмаси неғизидан ва мономарказларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишлар йўлга қўйилган.

Буюк тарихимиз, улуг аждодларимизнинг бой маънавий мероси, Ҳалогилдидан Мануберди, Амвр Темури, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби саркардаларнинг ҳарбий цивилизацияси ҳамда ҳарбий санъат ривожига қўшган ҳиссаларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Натижада Ўзбекистон Қуролли Қучларининг янги, муносиб авлоди шаклланди. Ҳарбийлик обрў-эътиборли қасбга, йигит-қизлар орзу қиладиган соҳага айланди.

Бугун ҳарбийликка бўлган қизиқиш юқори. Айни вақтда мамлакатимизнинг барча жабҳасида “Халқ ва армия — бир тану бир жондор” тамойили асосида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар ёшлар орасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътиборини, армия ва халқ ақидиллигини янада қўнайитиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Сирасини айтганда, бугун миллий армиямиз ёшларнинг иродасини тоблайдиган, уларни ўз Ватани ва халқига садоқат руҳида тарбиялайдиган жасорат ва матонат мактабига айланди, деб баралла айтаолариз. Зотан, уларнинг ҳарбий хизматга, эл-юрт тинчлиги ва оқсоийшталлиги, осмонимиз мусаффолиги, сарҳадларимиз даҳлсизлигини таъминлашга бўлган қизиқиш ва интилиши қўнайган.

Йиғилишда бу йўналишдаги тадбирларни кенгайтириб, ёшларни замонавий қасбларга ўқитиш ва меҳнат фаолиятини бошлаши учун субсидиялар орқали қўллаб-қувватлаш зарурилиги, уларнинг фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш мақсадида медиамақонда олиб борилаётган ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги ишларни қўнайитиш вазифаси қўйилдики, бу барча даражадаги раҳбарлар, жумладан, биз, депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклянди.

Шу нуктаи назардан, ёшларда аждодларимиз ва ота-боболаримизнинг Ватанини ҳимоя қилишга оид анъана ва қадриятларига садоқатли бўлиш хусусиятларини шакллантириш, уларнинг онгу шу-руида Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини чуқур сингдиришдек эзгу ишларда янада фаол ва ташаббускор бўламиз. Фақат шундангина тизимли ишлар ўз самарасини бераверади.

Шерзод РАҲМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси аъзоси.

Конунчилик палатаси фракцияларида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ВА ТАШАББУСЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қўй палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Шулардан бири — “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш соҳасини тақомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасидир.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида сўнгги йилларда миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш соҳасида фуқароларга ҳамда мамлакатимиз ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга қўшимча қўлайлиқлар яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Соҳадаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни уларнинг иқтимоий оғирлик даражасидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш ва жарима тартибдаги маъмурий жазоларнинг микдорини мақбуллаштириш, маъмурий иш кўриб чиқилишида аҳолининг оворагарчилик, коррупция ҳолатлари ҳамда ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш зарурати юзга келаётгани ҳам айтиб ўтилди.

Фракция аъзолари тегишли қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жарима микдорларини аниқ белгилаш ва маъмурий ишларни кўриб чиқишда фуқароларга енгиллик яратишга оид киритилаётган нормаларнинг аҳамиятига тўхталиб, бу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида асосий эътибор Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари ташкил этилганининг 32 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари қуни муносабати билан йўлланган байрам табригининг мазмун-моҳиятига қаратилди.

Фракция раҳбари Алишер Қодиров зарур пайтда ҳар бир фуқаро Ватанини ҳимоя қилиши, айниқса, мафқуравий ҳу-

Акс садо

ИШОНЧ
КАТТА МАСЪУЛИЯТ
ЮКЛАЙДИ

Аскарлик либосини кийиш, Ватан посбони бўлиб, юрт ҳимоясида туриш ҳар бир йигитнинг орзусидир. Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида туғилганман. 19 йилдан бери Қуролли Кучлар сафида фаолият олиб борапман. Ешлигимда бу соҳага қизиқиб, мен ҳам ҳарбийликка эришсам, Ватаним хизматида бўлиб, ота-онам ишончини оқласам, деб орзу қилардим. 2004 йилда муддатли ҳарбий хизматга қақирдим. Бу даврда командирларимизнинг маънан ва жисмонан етуқлиги, довораклиги, шижоати ҳавасимни янада оширди.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, шартнома бўйича қолдим. 2010 йилда Жануби-Ғарбий махсус ҳарбий округи миқёсида ўтказилган “Энг илгор разведка гуруҳи” мусобақасида биринчи ўринни эгалладим.

Спортнинг энгил атлетика турига қизиқишим баланд эди. Ўша вақтларда спортнинг шу йўналиши бўйича ўтказилган мусобақада беш карра голиблик насиб этди. Кейинчалик “Энг илгор мутахассис” танловининг “Энг илгор сержант” мусобақасида Жануби-Ғарбий махсус ҳарбий округ миқёсида биринчи, Мудофаа вазирлиги миқёсида эса иккинчи ўринни эгалладим.

2017 йилдан эса хизматни Марказий ҳарбий округда давом эттирдим. Бу ерда “Энг илгор разведка гуруҳи” мусобақасида умумжамоа ҳисобида биринчи, “Энг илгор касб устаси” танловининг “Энг илгор сержант” мусобақасида голиблигини, Мудофаа вазирлиги миқёсида эса иккинчи ўринни қўлга киритдим. Ўтган йиллар давомида эришган муваффақиятларим муштақлигимизнинг 32 йиллиги байрамида эътироф этилди ва “Жасорат” медали билан тақдирландим.

Президентимиз томонидан ушбу мукофотга лойиқ қўрилганим, Ватанимиз

тинчлиги йўлида садоқат билан хизмат қилишда ифтихор бағишлади ва юксак масъулият ҳам юкланди.

Шу кунгача эришган муваффақиятларимда оилам, командирларим ва сафдошларимнинг ҳиссаси катта. Чунки уларнинг қўллаб-қувватлашлари ва билдирган ишончи билан ютуқларга эришялман.

Куни кеча эса Президентимизнинг Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йўлланган байрам табригида жанговар ва маънавий маърифий тайёргарлик бўйича ишларни янада қучайтириш, шахсий таркибни Ватанга, ҳарбий бурча ҳамда қасамёдга содик, юксак жанговар ва ахлоқий-руҳий барқарор бўлиб шаклланиши йўлида жонбозлик кўрсатиш борасида билдирган фикрлари биздан ўз устимизда янада кўпроқ ишлашимизни талаб этади. Бундан кейин ҳам юртимиз тинчлиги, миллий армиямиз ривож учун меҳнат қилишдан тўхтамайман. Зеро, ҳарбийлик доимий масъулият, бир умр қасамёдга содик бўлиб қолиш эса ҳарбий хизматчи учун юксак шарафдир.

Мансур ТОҒАЙНИЁЗОВ,
Марказий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмининг Иккинчи даражали йўриқчи сержанти,
«Жасорат» медали соҳиб.

ВАТАННИНГ
ФАХРИ ВА ФУРУРИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 32 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни Фарғона вилоятида ҳам кенг нишонланди.

Шукуҳ

Байрам муносабати билан Фарғона шаҳридаги “Мотамсаро она” хайкали пойига гул қўйиш маросими ва ҳарбий бўлинмалар марши ўтказилди. Тантанали тадбирда Фарғона вилояти ҳокими, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Х. Бозоров, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонни, генерал-майор О. Саидов, вилоят секторлари раҳбарлари, вилоят ҳавфсизлик ҳамда мудофаа тизими раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нурунийлар ва ёшлар иштирок этди.

Шу куни байрам тадбири Ислон Каримов номидаги вилоят театр-концерт саройида давом этди. Унда Фарғона вилояти ҳокими ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларини байрам билан самимий кутлади.

Тантананда юрт тинчлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш оргнларни ходимларига вилоят ҳокимининг фахрий ёриқлари

ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

— Байрам арафасида бўлиб ўтган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йўлчилишида Президентимиз “Бугунги кунда ҳар билоримиз амалда Ватан ҳимоячиси бўлишимиз, ёшларимизни ҳам шу руҳда камол топтиришимиз зарур” дея алоҳида эътироф этгани бежиз эмас, — дейди полковник Жамшид Каримов. — Боиси бугунги долғали замонамизда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиянинг ўрни ва аҳамияти беқийс. Аҳоли, айниқса, ёшларни шундай руҳда тарбиялашда биз фаоллик ва ибрат кўрсатиши зарур.

Бугунги эътибор ва рағбат эса эзгу ташаббуслар ижобати йўлида янада ғайрат-шижоат билан фаолият олиб боришга ундайди.

Тадбирга санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар янада байз бахш этди.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).



ҚОРАКЎЛЧИЛИКНИНГ

Қизилқумда ота-боболаримиз азалдан чорва билан шугулланиб, ўзбек қорақўлчилигининг довуғини дунёга ёйишган. Адоғи осмонга туташиб кетган бийдай кенгликлар, чорвачилик учун ҳарчанд қўлай бўлмасин, ёзнинг жазираси, қишнинг рутубати, қўлланнинг ноқулай об-ҳавоси, қўлланнинг қўлланмаган инжиқликлари билан йил — ўн икки ой чўпону чўлиқларни синовдан ўтказиш.

Аммо иқлим инжиқликлари, ичимлик ва чорва сувининг ташвишларига бўйин эгмаган қизилқумлик чорвадорлар йилнинг тўрт фаслидан ҳам ҳикмат топиб, катта ҳаётий тажрибадан ўнумли фойдаланиб келишгаётгани айна ҳақиқат.

Нуктаи назар



— Ёз чилласида бир кун сувдан қолган қўй қишдан омон чиқмайди, — дейди Қонимех туманида жойлашган “Қонимех-Саржал-Қўссой” МЧЖ чўпони Абай Қўчарбоев. — Шунингдек, ёзги гармселда ётиб қолган қўй ҳам қайтиб ўнланмайди. Ота-боболаримиз шунинг учун ҳам айна гармселда сурувни гармга ёйиб, қўй-қўзининг илгини тўлдиришган.

Қизилқумлик чорвадорлар кучли жала, бўралаб қор ёғсагина сурувни қўрага қамашар экан. Шунда ҳам унинг узоқ ётиб қолишига йўл қўйишмайди. Сабаби ётоқда қўйнинг қўрак қафаси терлаб, ўпкаси шамоллаб қолади.

Чорва молларининг кўпайиши аҳоли турмуш фаровонлигини оширади. Бу борада боболаримизнинг “Қўйнинг туғишдан ҳам қаттиқ кишигина чорванинг ортидан нон ёйди”, деган нақлида заррача муболага йўқ. Чорвадорлар бу машаққатларга болалиқдан қўйниқиб кетишган, оила аъзоларининг қайғифоти ҳам чорвасининг ҳаловатига боғлиқ. Шу меҳнат ортидан чўлнинг олис овулларидаги ўтовларда чўпон чироғи ёниб, минг-минглаб авлод ўз бахту иқболини топган. Элга тўйлар бериб, қувончу ташвишини баҳам қўришган.

Аммо ўтган асрнинг сўнгги йилгига йилдаги муайян сабаблар соҳани ортага тортди кетдики, эндиликда ушбу муаммоларни омилиқорли, ирода ва асрий тажрибаларнинг ўзи билангина енгиш қийин кечмоқда. Ҳўш, қизилқумлик чорвадорларни қийнаётган муаммонинг илдири қаерда?

Инкирознинг илдири
чуқур

Қорақўлчиликда бия зардобы препаратини (СЖК)нинг қўлланиши соҳа инкирозининг асосий сабаби эканлиги тан олинганга ҳам эллиқ йилча бўлиб қолди. Ушбу амалиётдан воз кечилиб, унга тақиб қўйилганига эса қирқ йилдан ошибди ҳамки Қизилқумда қорақўлчилик олдинга силжимади. Тери сифатини қўя турайлик, чорва бош сони ҳам қамайса қамайдики, ошгани йўқ.

Бир пайтлар бир ярим миллион бошга довор қорақўл зотли қўйлар боқилган Учқудуқ ва Томди туманларининг йилловлари деярли бўм-бўш бўлса, Нурота ва Қонимех туманларида МЧЖ мақомида фаолиятини сақлаб қолган қорақўлчилик-наслчилик хўжаликлари арағ кун кечирмоқда. Қолаверса,

— Бугунги кунда қўй жунига ҳам деярли харидор йўқ, — дейди тадбиркор Ботирхон Қўшкарбеков. — Яқинда Фарғона водийсидан бир тадбиркор билан гаплашдик. Етказиб берсанлар, килосини 800 сўмдан оламиз, дея шартини айтди. Бир бош қўйимиз нари борса 1,5 килограмм жун беради. Битта қўйнинг жунини эса 4,5-5 минг сўмга қирқтирамыз. Хуллас, қўй жунининг турган-битгани зарар.

сўнгги йилларда чўлланиш ва йилловлар дегарадияси ҳамда сурункали қўроқчиликлар Қизилқумда чорванинг тақдирини қийин аҳволда қолдириди.

Яшириб нима қилдик, йиллов муаммоси республиканинг барча ҳудудида мавжуд. Қўшкарбеков эса Абай Қўчарбоев йиллов ҳолати, улардан фойдаланишда ўзибўларчиликнинг оқибатидир. Сабаби йилловнинг ҳосилдорлиги фақатгина ёғингарчиликка эмас, уни муҳофаза қилиш, ундан озиқланадиган чорва сони, йиллов алмаштириб туришининг қатъийлигига ҳам боғлиқ.

Шу жихатдан 2019 йилнинг 20 май куни “Йилловлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинишини Қизилқум чорвадорлари узоқ қўроқчиликдан сўнг интиқиб қутулган обихаёт мисоли қўйиб олдилар. — Болалигимизда саксовулзор ва изензорлар қишлоғимизга туташиб кетган эди, — дейди Навоий вилояти “Қорақўл” уюшмасининг бош чорвашуноси Жонибек Жўраев. — Қор қалин тушганида майда шохли моллар саксовул, жузган ва изен новдалари билан озиқланарди. Уларнинг йўқ бўлиб кетиши сабаби фақат қўроқчиликка эмас, деб ўйлайман.

Вилоятнинг аксарият қорақўлчиликка ихтисослаштирилган ҳудудларида аҳоли суьлтирилган газ, қўмир билан қанчалик аъло даражада таъминланмасин, қишлоқ, овул ва қўроғонларда тандир-ўчоқ ўтини (саксовул ва шувок) йилловнинг зиммасида. Ачинарлиси, саксовулнинг трактор билан қайириб, шувокнинг кетмон ёрдамида тагтомири билан чопиб олиниши натижасида йилловларга узоқ йил ўнланмас зарар етди. Шунингдек, турли ҳашаротлар, айниқса, чигиртка хуружлари сўнгги йилларда бир қатор ҳудудларда йилловларни абгор қилди.

Демак, қорақўлчилик равнақи йўлида, энг аввало, йилловларнинг ҳолатини яхшилаш лозим. Йиллов ўт-ўланга бой бўлмас экан, қорақўл терининг сифати ҳам юқориламайди. Мисол учун, шувок таркибиде олтин борлиги тасдиқланган факт. Шу сабаб сур ва шобдор терилар тилладай товланади. Ҳақиқий Бухоро қорақўлининг довуғиям шунда бўлган...

Манфаатлар
муштараклиги муҳим

Жаҳон мўйначилиги тарихида Бухоро қорақўлининг ўз ўрни бор. Тарихчи ва сайёҳларнинг қайд этишича, Буюк Ипақ йўлининг қаровлари Европага бораркан, қорақўл тери

асосий маҳсулотлардан бири саналиб, Бухоронинг сур, шобдор қорақўл терилари ўз даврининг бозорларида қўлма-қўл бўлган. Афсуски, юртимизда қорақўл қўйларининг асосий қисми боқилаётган Навоий вилоятининг Қизилқум йилловларида узоқ йиллар наслчилик ва селекция ишларининг эътибордан четда қолганининг асоратлари сурункали қўроқчиликлардан кам эмас. Натижада сўнгги йилгига беш йил ичида қорақўлчиликнинг мўйнабоп тери ишлаб чиқариш йўналишида қўзга ярқ этиб ташланадиган натижа қўлга киритилмади.

— Бугунги кунда қўй жунига ҳам деярли харидор йўқ, — дейди тадбиркор Ботирхон Қўшкарбеков. — Яқинда Фарғона водийсидан бир тадбиркор билан гаплашдик. Етказиб берсанлар, килосини 800 сўмдан оламиз, дея шартини айтди. Бир бош қўйимиз нари борса 1,5 килограмм жун беради. Битта қўйнинг жунини эса 4,5-5 минг сўмга қирқтирамыз. Хуллас, қўй жунининг турган-битгани зарар.

Тажрибали чўпони Абай Қўчарбоевнинг қайд этишича, қаровида ихтисослаштирилган хўжаликнинг 400 бош қўйи мавжуд. Ҳар бири учун 2,5 минг сўмдан жами 1 миллион сўм ойлик иш ҳақи ҳисобланиб, қўлига 850 минг сўм атрофида пул тегади. Эллиқ беш ёшга кириб, умрининг қарийб қирқ йилини чорва ортидан ўтказган чўпонга яна беш йилдан сўнг қанча пенсия тайинланар экан, деган фикр ҳаёлимиздан ўтди.

Яшириб нима қиламиз, Абай оға бу маоша рўзгор тебратили қийин. Суровда ўзининг шахсий қўй-қўзилари ҳам бор. Уларни кўпайтириб, етмаганига шахсий чорваси

Ғайрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭРТАСИ
КИМНИНГ?
ҚЎЛИДА

даромадидан қўшади. Шу манфаатгина уни бугун отарга боғлаб турган бўлса ажаб эмас. Бошқачароқ айтсак, чўпон хўжаликнинг қўй-қўзиси кўпайишидан унча манфаатдор эмас. Унинг ўрнига ўзининг шахсий қўйларини бор-йўғи ўн икки бошга кўпайтирса, бу — жамият бераётган бир йиллик ойлик маошга тенг даромад, дегани.

Бу мулоҳазалар билан чўпонни ғирромликда айблаб фикридан йироққимиз. Аммо чўпон учун қорақўл тери йўналишидан гўш йўналиши фойдалироқ экан, у табиийки, наслчилик ишларини кейинги навбатга қўйиб, шу асосда иш қўради. Қорақўл териде кўнгилдаги гулга эришиб, қўзланган ранг қиши ёки суровга “беғона” нав аралашмаслигидан у деярли манфаатдор эмас. Албатта, буларнинг барчасини рисоладагидек ташкил этиш учун хўжалик пайчилари чўпоннинг моддий манфаатдорлигини ошириши, наслчилик ва селекция ишларини замонавий мезонлар асосида йўлга қўйиш мақсадида илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлики ўрнатиши зарур.

Қарс икки қўлдан...

“Чорванинг ризқи далада”, дейди халқимиз. Бауржон Ҳамроевнинг таъкидлашича, ёз бўйи етарли вазн тўплай олмаган қорақўл қўйлар қўлдан озиқлантирилмаси, қишнинг захрига чидаши қийин бўларкан. Шу маънода, қишлово нафақат чорвадор, балки соҳа учун ҳам муҳим синов даври ҳисобланади.

Президентимизнинг 2017 йилнинг 16 март кунги “Чорвачиликда ихтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 29 январдаги “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорларида бу борада муҳим вазифалар белгилангани айтиб бериш кераклигини.

Унга қўра, чорвачилик ва наслчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, маҳсулдорлигини ошириш ва озуқабоп экинлар уруғчилигини ривожлантириш, чорвачиликнинг тармоғи фаолиятини илмий асосда ташкил этиш, инновацион ишланмаларни маҳсулот етатиштириш ва наслчилик селекция амалиётига жорий қилиш, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантириш каби вазифалар ижросига жиддий эътибор қаратилган.

Айни жараёнда янги меъёрларга мувофиқ, наслчилик субъектлари учун уларнинг асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фойзалардан ташқари), мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни 50 фоиз пасайтирилган ставкада тўлаш шаклидаги солиқ имтиёзи мuddати иктисод қилинган маблағларни асосий фаолиятни ривожлантиришга йўналтириш шарти билан 2025 йил 1 январга қадар узайтирилди.

Умуман олганда, бу каби чора-тадбирлар инкирозга учраган йилловлар ҳосилдорлигини тубдан ошириш, йилловлар чўлланишининг олдини олиш ва тиклашнинг қафолати йўли — йиллов алмашинишини тазминлашга хизмат қилади. Айни жараёнда қорақўлчилик субъектларида даромад манбаларини кўпайтириш билан бирга табиатни муҳофаза этиш, илгор тажрибаларни қўллаш натижасида табиий ўтлатиш орқали қорақўл терилар сифатини яхшилаш, чорва мол бош сонини мутаносиб равишда ошириб боришга эришилади.

Бу эса, ўз навбатида, асрий Қизилқум чўлларида минг-минглаб чорвадор оилалари фаровонлигини янада ошириб, бундай янгилашни ва ўзгаришлар чўпону чўлиқлар ҳаётида ҳам ўз аксини топишига ишонгимиз келади.

Темур ЭШБОВ
(«Халқ сўзи»).

Мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат

Қорақалпоғистонда Туризм қўмитаси томонидан Ёшлар ишлари агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар, шунингдек, Мактабгача ва мактаб таълими вазирликлари билан ҳамкорликда “Ёшлар туризми ҳафталиги” ташкил этилди.

Хафталик

Тадбирни ўтказишдан мақсад йигит-қизларнинг юртимиздаги диққатга сазовор жойларга саёҳатини уюштириш орқали Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданий мероси билан яқиндан таништи-

ришдан иборат эди. Акция ана шу мақсадга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Хафталик давомида 7 дан 30 ёшгача бўлган ўқувчи ва талаба-ёшларнинг мамлакат бўйлаб саёҳат қилиши учун қўшимча қўлайликлар яратиб борасида транспорт харажатлари, театр, кинотеатр ҳамда концерт дастурларига кириш учун махсус

чегирмалар жорий этилди. Музей ва маданий мерос объектларига эса bepул кириш имконияти яратилди. “Ёшлар туризми ҳафталиги”да Қорақалпоғистондан 16 мингдан зиёд йигит-қизлар фаол иштирок этишди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 15 808 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-йўй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.

Мусаҳҳих — С. Ислмов.